

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**268** **Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва чет элдан олиб кириш учун радиочастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби түғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1399-1*

*(2011 йил 4 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри түғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 16-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги 293-сон «Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар түғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Хукумати карорлари тўплами, 1998 й., 7-сон, 26-модда) ҳамда 2004 йил 7 майдаги 215-сон «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида»ги карорларига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 йил, 19-сон, 220-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Барча турдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикасида қайта ишлаш (замонавийлаштириш), ишлаб чиқариш ва чет элдан олиб кириш учун радиочастота полосалари (номиналлар) ажратиш тартиби түғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1399, 2004 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 йил, 33-сон, 378-модда) иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Бош директор**

**Х. МУХИТДИНОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 24 май,  
9-ю-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.